



140704, Ishtixon shahri, Ishtixon ko'chasi-4-uy
Tel.: (0-366) 629-15-10, faks (0-366) 629-11-54

140704, г. Иштыхан ул. Иштыханская д.4,
Тел: (0-366) 629-15-10, факс (0-366) 629-11-54

20 18-г « 8 » сент 2017

№ 2506-к

Ishtixon sh.-г. Иштыхан

Иштихон туман «Халқобод» маҳалла фуқаролар йиғини «Халқобод» кишлоғи ҳудудидан фуқаро Жабборов Шерзодга яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 декабрдаги “Яқка тартибда уй-жой қурилиши тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 272-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 3 июндаги 138-сонли қарорига илова “Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар” тўғрисидаги қарори ҳамда фуқаро Жабборов Шерзоднинг «Халқобод» маҳалла фуқаролар йиғини «Халқобод» кишлоғи ҳудудидан яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер майдони ажратиш беришни сўраб ёзган аризасига асосан тузилган туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) комиссия аъзоларининг ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисидаги далолатномасини, кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) комиссия аъзоларининг ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисидаги далолатномаси тасдиқлансин.
2. Иштихон туман «Халқобод» маҳалла фуқаролар йиғини «Халқобод» кишлоғи ҳудудидан жойлашган 429-рақамли контурдаги туман ҳокимлиги захирасидаги ўрмон хужалиги ва кишлоқ хужалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан фуқаро Жабборов Шерзодга яқка тартибда уй-жой қуриш учун 0,06 гектар ер майдони мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.
3. Фуқаро Жабборов Шерзодга, яқка тартибда уй-жой қуриш юзасидан вилоят экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасидан экологик ҳулоса олиш, уй-жой лойиҳасини туман бош архитектори билан биргаликда замонавий шаҳарсозлик ва архитектура нормаларига мос равишда тайёрлатиш, тегишли ташкилотларнинг рухсати олингандан сунг қурилиш ишларини бошлашга рухсат берилсин.
4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи в.в.б (М.Примов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ўзидаги ҳужжатларга ўзгартириш киритиш, туман бош архитектори (И.Азимов)га яқка тартибда уй-жой қуриш учун ажратилган ер майдонида уй-жой биноси қурилишни лойиҳа асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.
5. Самарқанд вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Иштихон тумани филиали (Х.Астанов)га ушбу ер майдони қурилган биноларни Давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.
6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Исломов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Ш.Негматов